

**ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.27.06.2017. Tar/Yu/I.24.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ҒАФУРОВА НОЗИМАХОН ЭЛЬДАРОВНА**

**ХАЛҚАРО НОРМАЛАРНИ ИМПЛЕМЕНТАЦИЯ ҚИЛИШ**  
**ОРҚАЛИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТИББИЁТ**  
**ХУҚУҚИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

**12.00.10 – Халқаро ҳуқуқ**

**Юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2018**

**Фан доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (PhD) диссертации**

**Content of the Doctoral (PhD) Dissertation Abstract**

**Гафурова Нозимахон Эльдаровна**

Халқаро нормаларни имплементация қилиш орқали Ўзбекистон  
Республикасида тиббиёт ҳуқуқини ривожлантириш..... 3

**Гафурова Нозимахон Эльдаровна**

Развитие медицинского права в Республике Узбекистан путём  
имплементации международных норм..... 25

**Gafurova Nozimakhon Eldarovna**

The development of medical law in Republic of Uzbekistan by the  
implementation of international norms..... 49

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 53

**ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ**  
**DSc.27.06.2017. Tar/Yu/I.24.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ҒАФУРОВА НОЗИМАХОН ЭЛЬДАРОВНА**

**ХАЛҚАРО НОРМАЛАРНИ ИМПЛЕМЕНТАЦИЯ ҚИЛИШ**  
**ОРҚАЛИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТИББИЁТ**  
**ҲУҚУҚИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

**12.00.10 – Халқаро ҳуқуқ**

**Юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Ү89 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация иши Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.uwed.uz](http://www.uwed.uz)) ва «ZiyoNET» ахборот-таълим порталида ([www.zionet.uz](http://www.zionet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Мухамеджанов Аманулла Закирович</b> юридик фанлари доктори
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Адилходжаева Сурайё Маҳкамовна</b> юридик фанлари доктори, профессор
	<b>Нугманов Нугман Абдуллаевич</b> юридик фанлари номзоди, доцент
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги</b> <b>Академияси</b>

Диссертация ҳимояси Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017. Таг/Ү8/Л.24.01 рақамли Илмий кенгашнинг \_\_\_\_ йил «\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100077, Тошкент ш., Мустақиллик кўчаси, 54.) Тел.: (998971) 267-67-69; факс: (998971) 267-09-00; e-mail: [rektorat@uwed.uz](mailto:rektorat@uwed.uz)).

Докторлик диссертацияси билан Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100077, Тошкент ш., Мустақиллик кўчаси, 54. Тел.: (998971) 267-67-69)

Диссертация автореферати \_\_\_\_ йил «\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(\_\_\_\_ йил «\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**И.А.Хамедов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

**Н.А.Нугманов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, юридик фанлар номзоди

**Б.Н.Тошев**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори

## КИРИШ (Докторлик диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда тиббиёт ҳуқуқи халқаро ва миллий ҳуқуқ тизимининг янги тармоғи сифатида ривожланмоқда. Соғлиқни сақлаш борасида илк халқаро стандартлар БМТнинг Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Низомида белгиланган ва ташкилотни олий мақсади сифатида «барча халқлар томонидан иложи борича энг юқори саломатлик даражасига эришиш» деб эътироф этилган<sup>1</sup>. БМТнинг Баркамол ривожланиш мақсадлари ҳам соғлиқни сақлаш борасида барча давлатлар учун соғлом турмуш тарзи ва баркамолликка эришиш, соғлиқни сақлаш хизматларини универсал қамровини таъминлашга ундайди. Шундан келиб чиққан ҳолда халқаро ва миллий тиббиёт ҳуқуқининг муносабатини ўрганиш ва аниқлаш ҳамда халқаро ва миллий тиббиёт ҳуқуқини ривожлантириш долзарб аҳамият касб этади.

Жаҳонда тиббиёт ҳуқуқини ривожлантириш борасида қатор тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу йўналишда тиббиёт ҳуқуқини ўзига хос хусусиятларини аниқлаш асосида соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, халқаро ва миллий тиббиёт ҳуқуқининг илмий-назарий асосларини ривожлантириш, институционаллаштириш, кодификациялаш, халқаро манбачилиқни ривожлантириш, тиббиёт ҳуқуқларни таъминлаш механизмларини яхшилаш масалаларига қаратилган илмий мунозаралар олиб борилмоқда. Шу нуқтаи назардан тиббиёт ҳуқуқини ривожлантириш борасида халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементациясини кучайтириш, миллий тиббиёт ҳуқуқини норматив базасини такомиллаштириш, шунингдек ҳуқуқий тартибга солиш, йўналиш ва истиқболларини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш борасида қатор мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. «Тиббий хизмат – инсон манфаатларини таъминлашнинг муҳим омилларидан биридир»<sup>2</sup>. Шундан келиб чиққан ҳолда, қўйилган вазифаларни амалга оширишда, жумладан, тиббиёт ҳуқуқини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этиб, қонун устуворлигини таъминлаш, соғлиқни сақлаш қонунчилигини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш, соғлиқни сақлаш тизими фаолиятини такомиллаштириш, соғлиққа бўлган ҳуқуқни тадқиқ этиш, янги биотиббий даволаш услубларини инсонларга нисбатан қўллашни ҳуқуқий тартибга солиш долзарб аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сонли «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси» ҳақидаги Фармони, 2016 йил 31 октябридаги ПҚ–2647-сон «Аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминланишини янада яхшилашга доир чора-

<sup>1</sup> БССТ Низоми (1946 й.), БМТ. [http://apps.who.int/iris/bitstream/10665/206498/1/9789241565264\\_eng.pdf](http://apps.who.int/iris/bitstream/10665/206498/1/9789241565264_eng.pdf)

<sup>2</sup> Ш.Мирзиёев. «Соғлиқни сақлаш тизимини замон талаби даражасида такомиллаштириш – кун тартибдаги асосий масала» // Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга қўтарамиз. Ўзбекистон. НМИУ, 2017. – Б. 309.

тадбирлар тўғрисида»ги, 2017 йил 1 апрелдаги ПҚ–2863-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 28 апрелдаги ПҚ–2932-сон «Тошкент давлат юридик университетида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларини, шунингдек мазкур йўналишдаги тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур диссертация республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Тиббиёт ҳуқуқининг айрим масалалари мамлакатимиз олимлари – Д.А.Асадов, М.С.Абдуллаходжаева, С.М.Адилходжаева, З.А.Гиясов, А.И.Искандеров, З.А.Улугов, А.А.Каюмов ва бошқаларнинг илмий ишларида муайян даражада кўриб чиқилган.

Хорижий мамлакатларда тиббиёт ҳуқуқининг назарий асослари ва шу билан боғлиқ масалаларнинг амалий жиҳатлари Б.Тобес, С.Касзор, Fremgen, F.Bonnie, С.Сarr, George J.Annas, A.Plomer, Э.Сгречча ва В.Тамбоне, Т.Л.Вeauhamp, J.F.Childress, Ю.Д.Сергеев., А.А.Мохов, В.И.Акопов, Е.Н.Маслов, А.А.Рёрихт, Г.Б.Романовский, Е.А.Капитонова, О.В.Романовская, Г.Б.Романовский, С.Г.Стеценко, О.Г.Пелагеш, И.А.Иванников, Д.Ф.Кириченко, Д.Г.Бартенев, Г.В.Балашова, В.Г.Борисова–Жарова ва бошқалар томонидан ўрганилган<sup>3</sup>.

Бироқ юқорида номлари келтирилган олимларнинг ишлари фақат тиббиёт ҳуқуқининг ривожлантириш айрим турдаги жиҳатларига бағишланган бўлиб, тиббиёт ҳуқуқининг халқаро нормалари имплементацияси орқали ривожлантиришга комплекс ёндашилмаган ва алоҳида тадқиқот предмети сифатида ўрганилмаган.

Мамлакатимизда тиббиёт ҳуқуқининг халқаро нормалари имплементацияси орқали ривожлантиришга оид алоҳида монографик тадқиқот олиб борилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети, Тошкент давлат юридик университети илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ №КА-2-001 «Тиббиёт ҳуқуқида имплементацион механизмни такомиллаштириш» (2015–2017) мавзусидаги идоралараро амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

---

<sup>3</sup> Мазкур олимлар ишларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида кўрсатилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** халқаро нормаларни имплементацияси орқали миллий тиббиёт ҳуқуқини ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

тиббиёт ҳуқуқини шакллантиришнинг концептуал асосларини очиб бериш;

тиббиёт ҳуқуқи ва халқаро тиббиёт ҳуқуқининг нисбатини аниқлаштириш;

соғлиққа бўлган ҳуқуқни такомиллаштириш хусусиятларини ҳам халқаро, ҳам миллий тиббий ҳуқуқнинг асосий институтлари сифатида ўрганиш;

тиббиёт ҳуқуқининг халқаро-ҳуқуқий нормаларини халқаро тиббиёт ҳуқуқини ўрганиш предмети сифатида таҳлил қилиш;

тиббиёт ҳуқуқи нормаларини амалга оширишда халқаро ташкилотларнинг роли ва аҳамиятини аниқлаш ва ўрганиш;

тиббиёт ҳуқуқи нормаларини таъминлаш ва ривожлантиришда БМТ тизимидаги ихтисослаштирилган муассасалар ва бошқа инструментларнинг амалий аҳамиятини таҳлил қилиб чиқиш;

халқаро суд амалиётини пациентларнинг ҳуқуқини таъминлашдаги ролини аниқлаш;

тиббиёт ҳуқуқи нормаларини таъминлашда БМТнинг конвенция органлари ролини белгилаш;

тиббиёт ҳуқуқи нормаларини таъминлашда қиёсий-ҳуқуқий таҳлил ўтказиш;

тиббиёт ҳуқуқи нормаларини таъминлашда биотиббий тадқиқотлар ва бошқа тиббий амалиётларни ўтказиш соҳасидаги хорижий тажрибани таҳлил қилиш;

МДҲ давлатларидаги тиббиёт ҳуқуқ нормаларининг қиёсий-ҳуқуқий таҳлилини ўтказиш;

Ўзбекистон Республикасида тиббиёт ҳуқуқи нормаларини таъминлашнинг конституцион-ҳуқуқий кафолатларини аниқлаш;

Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигига тиббиёт ҳуқуқининг баъзи халқаро-ҳуқуқий нормаларни имплементация қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш. Жумладан, энг янги репродуктив технологияларни қўллашда, суррогат оналик ва аборт, трансплантология, яшаш ҳуқуқи ва эвтаназия, тиббий суғуртани ҳуқуқий тартибга солиш бўйича амалий таклиф ва тавсияларни илмий асослаш;

тиббиёт ҳуқуқи бўйича юқори малакали ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш учун «Тиббиёт ҳуқуқи» дарслигини яратиш.

**Тадқиқотнинг объекти** миллий тиббиёт ҳуқуқини халқаро нормаларни имплементацияси орқали ривожлантириш билан боғлиқ халқаро-ҳуқуқий ва бошқа муносабатлар тизими ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** халқаро тиббиёт ҳуқуқининг норма ва принциплари (мазкур соҳадаги халқаро шартномалар), миллий тиббиёт ҳуқуқи нормалари (соғлиқни сақлаш ва таъминлаш борасидаги Ўзбекистон

Республикасининг миллий қонунчилиги), тиббиёт ҳуқуқи нормаларини таъминлаш соҳасидаги хорижий тажриба, хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиёти ҳамда юридик фанда мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлардан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Умумдиалектик, муаммовий-мақсадли, қиёсий-ҳуқуқий, махсус юридик, тарихий-ҳуқуқий, расман юридик, аналитик ва илмий билишни тизимлаштириш ушбу диссертация тадқиқотининг усуллари саналади. Тадқиқотнинг ҳар томонлама ва тармоқлараро предмет характери ва объектига тизимли, қиёсий-аналитик, мантиқий ва тарихий-эмпирик усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:**

илк бор шаклланаётган тиббиёт ҳуқуқи миллий ҳуқуқ тизимининг янги комплексли ҳуқуқ тармоғи сифатида асосланган;

«тиббиёт ҳуқуқи» ва «халқаро тиббиёт ҳуқуқи» тушунчаларининг муаллифлик таърифида тиббиёт ҳуқуқи соғлиққа бўлган ҳуқуқ ва бошқа институтлардан иборат бўлган ҳуқуқ тизимини комплексли тармоғи сифатида намоён этилган ҳамда халқаро тиббиёт ҳуқуқи – халқаро ҳуқуқнинг шаклланаётган тармоқларидан бири сифатида илмий асосланган;

тиббиёт ҳуқуқи ва халқаро тиббиёт ҳуқуқининг ягона мақсади ҳамда ажралмас нисбати, яъни соғлиққа бўлган ҳуқуқ уларни ҳам баъзавий, ҳам боғловчи универсал институтлиги аниқланган;

тиббиёт ҳуқуқи нормаларини миллий тиббиёт ҳуқуқига оид қонунчилигига халқаро нормаларни имплементация қилиш, миллий ҳуқуқий актларга (қонунлар ва қонуности актлари) мазкур соҳадаги нормаларни такомиллаштириш юзасидан шакллантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари:**

аҳолининг репродуктив саломатлигини сақлаш ва яхшилаш мақсадида аҳолининг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисидаги Концепция лойиҳасига таклифлар ишлаб чиқилган ва кейинги репродуктив ҳуқуқларга оид қонунчиликни ишлаб чиқиш учун концептуал манба сифатида асосланган;

репродуктив ҳуқуқларга оид янги репродуктив технологияларни қўллашни (сунъий уруғлантириш, суррогат оналик ва б.) қонунийлаштириш мақсадида «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги Қонунга таклифлар ишлаб чиқилган;

«Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига «соғлиққа бўлган ҳуқуқ» тушунчасини киритиш бўйича таклифлар ҳамда шунинг асосида мазкур Қонуннинг 3-моддасига ўзгартиришлар ва қўшимча тамойиллар ишлаб чиқилган;

инсон аъзолари ва тўқималари трансплантациясини қонунийлаштириш ва беғаразлигини таъминлаш мақсадида, «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги Қонунга таклифлар ишлаб чиқилган;

БМТнинг ихтисослашган органлари, конвенцион қўмиталарини ҳамда халқаро судлар фаолияти тиббиёт ҳуқуқининг манбачилигини



ривожлантиришдаги амалий аҳамияти аниқланган ва очиб берилган; халқаро тиббиёт ҳуқуқи соҳасидаги мавжуд халқаро шартномалар тизимлаштирилган;

миллий тиббиёт ҳуқуқининг нормаларини тизимлаштириш учун «Тиббиёт ҳуқуқи кодексини» ишлаб чиқиш таклиф қилинди ва илмий асосланди, халқаро тиббиёт ҳуқуқининг нормаларини кодификациясини амалга ошириш учун «Халқаро тиббиёт ҳуқуқи Билл»ини халқаро стандартлар жамланмаси сифатида ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқлиги аниқланган ва очиб берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий-услубий ва илмий-амалий конференция материаллари тўпламлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий нашрларда чоп этилган мақолалар, хулосалар, амалий таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти – унда берилган илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялар фан тараққиётига, қонун ижодкорлигига, ҳуқуқни қўллаш амалиётига, миллий ва халқаро тиббиёт ҳуқуқининг тегишли нормаларини шарҳлашга, миллий қонунчиликни такомиллаштиришга, шунингдек халқаро ҳуқуқ, халқаро тиббиёт ҳуқуқи ва миллий тиббиёт ҳуқуқи фанларининг илмий-доктринал бойишига хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган амалий таклиф ва тавсияларнинг аҳамияти қонун ижодкорлиги, миллий қонунчиликни халқаро нормаларни имплементация қилиш йўли билан такомиллаштириш бўйича таклифлари миллий ва халқаро тиббиёт ҳуқуқи доирасида муносабатларини янада тўлиқ ҳуқуқий тартибга солишни таъминлаш имконини беради ва тегишли тарзда мамлакатимизда фуқаролар ва юридик шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтиради, соғлиқни сақлаш тизими фаолиятида, шунингдек юридик таълим муассасаларининг ўқув жараёнида фойдаланилишда намоён бўлади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Халқаро нормаларни имплементация қилиш орқали Ўзбекистон Республикасида тиббиёт ҳуқуқини ривожлантириш бўйича тадқиқотлар асосида:

шаклланаётган тиббиёт миллий ҳуқуқ тизимининг янги комплексли ҳуқуқ тармоғи сифатида асосланганлигидан «Тиббиёт ҳуқуқи» дарслигининг 1-бобида услубий асос сифатида фойдаланилган (ISBN № 978-9943-11-670-2). Мазкур натижа тиббиёт ҳуқуқини назарий асосларини, ҳамда шаклланиб келаётган миллий тиббиёт ҳуқуқини миллий ҳуқуқ тизимидаги ўрнини ва белгилашга хизмат қилган;

«тиббиёт ҳуқуқи» ва «халқаро тиббиёт ҳуқуқи» тушунчаларининг муаллифлик таърифидан «Тиббиёт ҳуқуқи» дарслигининг 1-бобида услубий асос сифатида фойдаланилган (ISBN № 978-9943-11-670-2). «Тиббиёт

ҳуқуқи» ва «халқаро тиббиёт ҳуқуқи» тушунчаларининг муаллифлик таърифида миллий тиббиёт ҳуқуқи соғлиққа бўлган ҳуқуқ ва бошқа институтилардан иборат бўлган ҳуқуқ тизимини комплексли тармоғи сифатида намоён этилган; халқаро тиббиёт ҳуқуқи эса халқаро ҳуқуқнинг шаклланаётган тармоқларидан бири бўлиб, халқаро ҳуқуқ субъектлари (давлатлар, халқаро ташкилотлар) томонидан ўрнатилган жаҳон соғлиқни сақлаш тизимини максимал яхшилашга қаратилган барча халқаро муносабатларни тартибга солувчи соғлиққа бўлган ҳуқуқи билан институциялаштирилган халқаро норма ва принципларнинг (халқаро шартномаларда мужассам бўлган) жамланмаси сифатида илк бор изоҳланган. Мазкур таърифларнинг бойитиш бўйича таклифлар тиббиёт ҳуқуқини назарий асосларини, институционализация ёндашувини такомиллаштиришга имкон яратган;

тиббиёт ҳуқуқи ва халқаро тиббиёт ҳуқуқининг нисбатига аниқлик киритилганлигидан «Тиббиёт ҳуқуқи» дарслигининг 1-бобида услубий асос сифатида фойдаланилган (ISBN № 978-9943-11-670-2). Мазкур натижа тиббиёт ҳуқуқини ва халқаро тиббиёт ҳуқуқини назарий асосларини, келиб чиқиш сабаблари ва ривожланиш омилларини аниқлангани миллий ва халқаро тиббиёт ҳуқуқини ривожлантиришга ҳамда юридик табиатини аниқлашга хизмат қилган;

тиббий фаолиятнинг алоҳида турларининг ҳуқуқий тартибга солиш, жумладан, трансплантология, эвтаназия ва яшаш ҳуқуқи бўйича олинган тадқиқот натижаларидан «Тиббиёт ҳуқуқи» дарслигининг 8-бобида фойдаланилган (ISBN № 978-9943-11-670-2). Олинган натижалар тиббиёт ҳуқуқини норматив базани такомиллаштиришга ёрдам беради.

**Тадқиқот натижаларини апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 12 та илмий анжуманда, жумладан, 5 та халқаро, 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 28та илмий иш нашр этилган, жумладан, 1 монография, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари бўйича тавсия этилган илмий нашрларда 5та мақола, икки хорижий журналларда, 2та халқаро конференция мақоласи, 12та республика конференция тезислари, 3та мақола республика журналларида, 1та илмий-оммабоп нашр, 1та илмий-оммабоп рисола ҳамда 1та дарслик ҳаммуаллифликда чоп этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Мазкур диссертация кириш қисм, тўртта боб, ўн учта параграф ҳамда хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 150 саҳифани ташкил қилади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Диссертациянинг кириши (докторлик диссертацияси аннотацияси)**да тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, тадқиқот мавзусига оид хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги ва диссертациянинг хажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг «**Тиббиёт ҳуқуқини вужудга келишининг тарихий ва ҳуқуқий асослари**» деб номланган биринчи бобида тиббиёт ҳуқуқининг ҳуқуқ тизимидаги алоҳида комплекс тармоқ сифатида шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари ўрганилган ва таҳлил қилинган. Халқаро тиббиёт ҳуқуқининг асосий институтларидан бири бўлмиш соғлиқка бўлган ҳуқуқ жаҳон соғлиқни сақлаш соҳасида кенг камровли ҳуқуқ сифатида намоён бўлган. Хусусан, тиббиёт ҳуқуқининг бошқа институтлари, предмети, субъектлари, манбалари ҳам белгиланган. Халқаро ҳуқуқий нормалар халқаро тиббиёт ҳуқуқини ўрганиш предмети сифатида тадқиқ қилинган. Халқаро ва миллий тиббиёт ҳуқуқининг ўзаро нисбати, шунингдек халқаро тиббиёт ҳуқуқи нормаларининг миллий тиббий ҳуқуқ ривожланишига таъсири аниқланган ва ўрганилган.

Шулар асосида назарий хулоса ва амалий таклифлар ишлаб чиқилган.

Тиббий фаолиятни амалга оширишда юзага келадиган миллий, халқаро ва халқаро-оммавий ҳуқуқ субъектлари иштирокидаги муносабатлар фақат давлатнинг ички доирасида эмас, балки халқаро миқёсда ҳам бўлади. Демак, тиббий ҳуқуқни ҳуқуқий тартибга солишнинг предмети тиббий фаолиятни амалга оширишдан келиб чиқадиган инсоннинг максимал соғломлигига эришишни мақсад қилган ҳам миллий, ҳам халқаро даражадаги муносабатлардир.

Тиббий ҳуқуққа ҳуқуқий тартибга солишнинг методларидан комплекс фойдаланиш хос эканлиги аниқланди. Бундан ташқари, ишда тиббиёт ҳуқуқининг комплекслигидан далолат берувчи бошқа далиллар ҳам келтирилган.

Тиббиёт ҳуқуқ соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни амалга оширишда халқаро ҳуқуматлараро ва халқаро ноҳуқумат давлат ташкилотлари каби халқаро ҳуқуқ субъектлари иштироки ва ҳамкорлигида оммавий-ҳуқуқий муносабатлар юзага келади. Уларнинг фаолияти, биринчи навбатда, жаҳон соғлиқни сақлаш тизимини яхшилаш ва инсонларнинг максимал соғлом бўлиш даражасига эришишга қаратилган. Ўз-ўзидан бундай ҳуқуқий муносабатлар миллий тиббиёт ҳуқуқи доирасидан чиқиб, янги шаклланаётган халқаро ҳуқуқ тармоғи – халқаро тиббиёт ҳуқуқини тартибга солиш

предметига айланади. Бунда халқаро тиббиёт ҳуқуқи нормаларининг миллий тиббиёт ҳуқуқининг ривожланиши ва нормаларининг шаклланишига таъсири ўрганилди.

Халқаро тиббиёт ҳуқуқи нормалари ўз ривожланишининг муайян босқичларини босиб ўтгани маълум ва бугунги кунга келиб соғлиқга бўлган ҳуқуқ институтига бирлаштирилган ўз принципларига эга бўлган нормалар гуруҳини ташкил қилади. Бу институт ўз қамровига кўра халқаро ва миллий тиббиёт ҳуқуқининг асосий институтларидан бири сифатида аниқланди. Шунга мувофиқ тарзда саломатликка бўлган ҳуқуқни ривожланишини 4 даврга хронологиялаштирилган.

Соғлиқка бўлган ҳуқуқ нормалари базасида халқаро ҳуқуқнинг янги тармоғи сифатида халқаро тиббиёт ҳуқуқи шаклланаётгани аниқланган. Тиббиёт ҳуқуқининг асосий институти бўлмиш соғлиқга бўлган ҳуқуқ бугунги кунда специфик муаммоларнинг кенг спектрини қамраб олган (шифокор-бемор, тиббиёт сирини, эвтанази, репродуктив соғлиқ, туғишни режалаштириш, суррогат оналик, даволашнинг энг янги методларини қўллаш, жумладан, сунъий органлардан фойдаланиш, инсон ҳужайралари, аъзолари ва тўқималари трансплантацияси, доривор воситаларни қўллаш ва ҳ.к.), шунингдек субинститутлар деб аташимиз мумкин бўлган ижтимоий амалиётнинг янги шаклини (биоэтик қўмиталар, илмий марказлар) ўз ичига олганлиги билан белгиланган.

Халқаро ва миллий тиббиёт ҳуқуқининг нисбати соғлиқга бўлган ҳуқуқ базавий институтининг бирлигида ифодаланиши аниқланди ва унинг нормалари ҳам халқаро, ҳам миллий тиббий ҳуқуқда намоёнлиги аниқланган.

Шунда соғлиқ ҳуқуқи нормалари халқаро ва миллий тиббиёт ҳуқуқини боғлаб турувчи бўғинлиги аниқланди.

Бунда ҳам миллий, ҳам халқаро тиббиёт ҳуқуқни бирлаштириб турувчи бош мақсад ҳам миллий, ҳам халқаро даражада инсонлар соғлиғини сақлаш, таъминлаш ва унга эришишдир.

Тиббиёт ҳуқуқи – ҳуқуқнинг турли тармоқлари нормаларини бирлаштирувчи, уни ташкил қилувчи институтларнинг ягоналиги билан ажралиб турувчи яхлит ҳуқуқий таълимни назарда тутганлиги белгиланган. Шу муносабат билан тиббиёт ҳуқуқи ҳуқуқ тизимида ўзининг алоҳида ўрнига эга бўлган, бошқа ҳуқуқ тармоқлари билан бир қаторда ҳуқуқнинг комплекс тармоғини ташкил қилганлиги билан ажралиб туриши илмий исботланган.

Халқаро тиббиёт ҳуқуқи – халқаро ҳуқуқ субъектлари томонидан (давлатлар, халқаро ташкилотлар) ўрнатилган халқаро норма ва принципларнинг (халқаро шартномаларда тузиладиган) йиғиндиси бўлиб, жаҳон соғлиқни сақлаш тизимини максимал яхшилашга қаратилган барча халқаро муносабатларни бошқариши билан изоҳланган.

Халқаро тиббиёт ҳуқуқи манбаларига жаҳон соғлиқни сақлаш тизимини максимал яхшилашга қаратилган ҳамма халқаро муносабатларни тартибга солувчи барча халқаро нормалар (халқаро шартномаларда тузиладиган) киритилган. Инсоният соғлиғини максимал яхшилашни мақсад қилган барча халқаро муносабатлар, табиийки, халқаро тиббиёт ҳуқуқини тартибга солиш

предметини ташкил қилади. Жаҳон соғлиқни сақлаш тизимини яхшилаш соҳасидаги халқаро ҳамкорликка қаратилган фаолиятни олиб борувчи давлат ва барча халқаро ташкилотлар унинг субъектлари сифатида белгиланган.

Халқаро тиббиёт ҳуқуқи институтлари икки асосий институтга ажратилган:

– тарихий характерга эга бўлган халқаро тиббиёт ҳуқуқ<sup>4</sup>даги қуролли низо қурбонлари соғлиғини самарали муҳофаза қилувчи халқаро-тиббий таъминот институти;

– соғлиқга бўлган ҳуқуқ – халқаро тиббиёт ҳуқуқдаги базавий институти сифатида белгиланди ва ўз навбатида субинститутларга бўлинди.

Халқаро тиббиёт ҳуқуқи халқаро ҳуқуқнинг бир тармоғи сифатида халқаро ҳуқуқ принципларига, шунингдек нодискриминация, инсонпарварлик принципи, саломатликка бўлган ҳуқуқ устуворлиги принципи каби халқаро тиббиёт ҳуқуқининг махсус принципларига ҳам амал қилиши аниқланган.

Диссертациянинг «Тиббиёт ҳуқуқи нормаларини таъминлашдаги халқаро ташкилотларнинг фаолиятини аҳамияти» деб номланган иккинчи бобида БМТ тизимидаги ихтисослаштирилган муассасалар ва бошқа ташкилотларнинг тиббиёт ҳуқуқи нормаларини таъминлаш ва ривожлантиришдаги роли ва аҳамияти ўрганилган. Пациентлар ҳуқуқини таъминлашдаги халқаро суд амалиёти таҳлил қилинган. Тиббиёт ҳуқуқ нормаларини шарҳлашда БМТ конвенциявий органларининг фаолиятининг аҳамияти аниқланган.

Тадқиқотда халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар сифатида, биринчи навбатда, халқаро тиббий ҳуқуқда соғлиқга бўлган ҳуқуқини ривожлантириш ишларида катта аҳамиятга эга, бир қатор структуралардан иборат бўлган ва умуминсоний қадрият ҳисобланган тизимни ташкил қилувчи БМТ ва у билан боғлиқ халқаро ташкилотларни фаолияти таҳлил қилинган. Бу структураларга, аввало, тизимни мувофиқлаштирувчи ва йўналтирувчи универсал тизим тарзидаги БМТ ўзининг мураккаб ва сертармоқ органлари структураси билан, иккинчидан, БМТнинг БССТ, МОТ, ЮНЕСКО каби мустақил ихтисослаштирилган муассасалари, учинчидан, БМТнинг ёрдамчи органлари ПРООН – ҳукуматлараро ташкилотларнинг структура ва функциялари билан, ЮНИСЕФ – БМТнинг Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаши органлари (БМТ уставининг 22-м.) ва БМТнинг конвенцион органлари назорат органлари сифатида намоён этилган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Бутунжаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти, Меҳнатни ташкил қилиш халқаро ташкилоти, Европа ва Европа Иттифоқи Кенгаши, Бутунжаҳон ва Европа тиббиёт ассоциациялари, Бутунжаҳон тиббиёт ҳуқуқи ассоциацияси, Бутунжаҳон тиббиёт ассоциациялари томонидан ишлаб чиқилган ва қабул қилинган Соғлиқни

---

<sup>4</sup> Халқаро ҳуқуқ ассоциациясининг 47-Конференциясида қабул қилинган Резолюцияга мувофиқ халқаро тиббий ҳуқуқнинг асосий мақсади «қуролли низо қурбонлари соғлиғини самарали муҳофаза қилишнинг юридик кафолатини кучайтиришдан иборат» // Михайлов В.С. «О содержании и источниках международного медицинского права» // Правоведение. – 1965. – №2. – С.178–180.

сақлаш борасидаги халқаро-ҳуқуқий стандартларни белгиловчи халқаро манбалар аниқланган.

Тиббиёт ҳуқуқи нормаларидан таркиб топган халқаро шартномаларнинг норма ижодкорлиги фаолиятини таҳлил қилиб, уларни тартибга солиш спецификасига кўра тасниф қилинган<sup>5</sup>.

Суд қарорлари ва доктриналар халқаро тиббиёт ҳуқуқидаги ҳуқуқий нормаларни белгилаш учун ёрдамчи воситалар сифатида кўриб чиқилиши мумкинлиги тавсия этилган.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа Страсбург амалиёти халқаро суд фаолияти мисол тарзида ўрганилган. Гарчи соғлиқга бўлган ҳуқуқ нормалари ва уларни муҳофаза қилиш мажбуриятлари Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш ҳақидаги Европа конвенциясида белгиланмаган бўлса ҳам тиббиёт хатолари, оталикни аниқлаш, суррогат оналик, эвтаназия, аборт, қамоқхоналарда маҳкумларга нисбатан тиббиёт ходимларининг номуносиб хатти-харакатлари масалалари бўйича судга мурожаатлар кўпроқ кузатилган.

Яна бир мисол тариқасида Инсон ва халқларнинг ҳуқуқлари бўйича Африка комиссияси амалиётидаги ишлар кўриб чиқилган, бунда ҳам 1981 йилдаги Инсон ва халқ ҳуқуқлари Африка хартиясининг нормалари доирасида яқка тартибдаги шикоятлар ўрганиб таҳлил қилинган. Ўрганиш натижасида маълум бўлдики, инсоннинг соғлиқга бўлган ҳуқуқи борасида халқаро суд инстанцияларида яқка тартибдаги шикоят мурожаатлари сони ортаётгани кузатилган. Кўпроқ хизмат вазифаларини лозим даражада адо этмаслик, соғлиқни сақлаш тизимининг номукамаллиги, давлатдаги ҳуқуқий базанинг номукамаллиги, шунингдек қамоқхоналардаги соғлиқга бўлган ҳуқуқнинг бузилиши, тиббий хизматни ўз вақтида ва сифатли кўрсатмаслик, эвтаназия, аборт ва бошқа шунга ўхшаш масалалар бўйича шикоятлар ўрганилган.

Натижада соғлиққа бўлган ҳуқуқ соҳасидаги халқаро стандартлар ва халқаро тиббиёт ҳуқуқ манбаларига хизмат қилувчи қатор халқаро шартномаларни ишлаб чиқиш зарурлиги тўғрисидаги хулосага келинган.

Шундай хулоса қилиш мумкинки, бугунги кунда долзарблик ва устуворлик узига хослигини инобатга олган ҳолда халқаро суд қарорларида соғлиқга бўлган ҳуқуқ сиёсий ва фуқаролик ҳуқуқлари билан бир қаторга қўйилиши тиббиёт ҳуқуқининг янада шаклланиш истиқболлари ҳамда музокараларга кенг имконият бериши билан изоҳланган.

Халқаро шартномалар бажарилишини назорат қилувчи шартномавий органлар томонидан соғлиқга бўлган ҳуқуқни қонунчилиги нормаларини шарҳлашнинг расмий манбалари сифатида Умумий характердаги изоҳлар эканлиги аниқланган. Масалан, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича қўмита (ИИМХҚ) томонидан Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар ҳақидаги халқаро пакт (ИИМХХП)нинг 12-моддасига (энг юқори даражадаги соғлиққа бўлган ҳуқуқ) №14 умумий характердаги Изоҳлар эълон

---

<sup>5</sup> Батафсил тасниф диссертациянинг 3-иловасида берилган.

қилинган. Бунда соғлиққа бўлган ҳуқуқ ўз соғлиғи ва ўз организмига алоқадор қарорни қабул қилиш инсоннинг ҳуқуқи эканлиги ифода этилган.

Ҳали халқаро-ҳуқуқий тизимда соғлиққа бўлган ҳуқуқ барча жиҳатларини ҳам ўз ичига олган базавий халқаро тиббиёт ҳуқуқи институти сифатида универсал халқаро-ҳуқуқий битим ишлаб чиқилмаган. Шунинг учун соғлиққа бўлган ҳуқуқни тартибга солувчи ягона универсал ҳужжатнинг йўқлиги сабаб ягона тизимлилик йўлга қўйилмаган ва ушбу ҳуқуқни амалга ошириш қисм-қисм ва ишланмаган характерга эга, соғлиққа бўлган ҳуқуқ бўйича алоҳида масалаларни ҳуқуқий тартибга солишда бўшлиқларнинг мавжудлиги кузатилмоқда ва бу билан халқаро тиббиёт ҳуқуқда мазкур ҳуқуқ бўйича норма ижодкорлиги фаолиятининг зарурати намоён бўляпти, масалан, репродуктив ҳуқуқ соҳасида.

Бугунги кунда Республикамизда инсон манфаатларига оид кенг қамровли ислоҳотлар олиб борилаётган даврда, халқаро ташкилотлар иштирокида соғлиққа бўлган ҳуқуқ бўйича ягона универсал чегараланган халқаро-ҳуқуқий битимни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш барқарор ривожлантириш мақсадларидан келиб чиққан ҳолда халқаро конференция ташкил қилиш мақсадга мувофиқ бўлиши аниқланган. Баркамол Ривожланиш Мақсадлар доирасидаги аҳолининг соғлиқ ҳуқуқини амалга ошириш бўйича вазифаларни Ҳаракатлар миллий дастурига киритиш тавсия этилган.

Халқаро ҳудудий шартномалардаги соғлиққа бўлган ҳуқуқ нормаларини халқаро суд органлари ва БМТ Конвенцион органлари томонидан шарҳлаш иштирокчи мамлакатлар учун соғлиққа бўлган ҳуқуқ соҳасидаги халқаро стандартларга ҳам манба бўлиб хизмат қиладиши билан изоҳланган. Демак, умуман инсоннинг соғлиққа бўлган ҳуқуқ соҳасида халқаро суд инстанцияларига яқка тартибдаги шикоят мурожаатларининг сони ортиб бориши тенденцияси кузатилган. Кўпроқ хизмат вазифаларини лозим даражада адо этмаслик, соғлиқни сақлаш тизимининг номукамаллиги, давлатдаги ҳуқуқий базанинг номукамаллиги, шунингдек қамоқхоналардаги соғлиққа бўлган ҳуқуқнинг бузилиши, тиббий хизматни ўз вақтида ва сифатли кўрсатмаслик, эвтаназия, аборт ва бошқа шунга ўхшаш масалалар бўйича шикоятлар ташкил этган.

Шундай ҳулоса қилиш мумкинки, бугунги кунда долзарблик ва устуворлик спецификасини инобатга олган ҳолда халқаро суд қарорларида соғлиққа бўлган ҳуқуқ сиёсий ва фуқаролик ҳуқуқлари билан бир қаторга қўйилиб, бу эса тиббиёт ҳуқуқи келгуси шаклланишининг истикболлари ҳамда музокараларга кенг имконият берилганлиги аниқланган.

Диссертациянинг «**Тиббиёт ҳуқуқи нормаларини имплементациясини халқаро амалиётдаги ўзига хос хусусиятлари**» деб номланган учинчи бобида тиббиёт ҳуқуқи нормаларини таъминлашдаги хорижий тажриба ҳар томонлама ўрганилган. МДҲ давлатларида тиббиёт ҳуқуқи нормаларининг таъминланиш амалиёти таҳлил қилинган. Ўзбекистон Республикасида соғлиққа бўлган ҳуқуқнинг конституциявий-ҳуқуқий кафолатлари ўрганилган. Бугунги кунга келиб дунёнинг кўпгина малакатларида аҳолининг соғлиғини сақлаш борасидаги давлатнинг ролини кучайтириш асосий тенденциялардан

бири саналади. Ҳозирча соғлиқни сақлашнинг идеал моделига эга давлат аниқланмади. Ҳаттоки иқтисодий ва ижтимоий юқори даражада ривожланган Ғарбий Европа ва Шимолий Америка давлатлари ҳам соғлиқни сақлаш тизимини ташкил қилишга мунтазам ўзгаришлар киритиб туришлиги белгиланган.

Мазкур бобда Европа давлатларининг, жумладан, Франция, Австрия, Швейцария, Польша ва АҚШ қонунчилиги ўрганилди. Бу деярли ҳар бир мамлакатнинг қонунчилигида ноқонуний биотиббий фаолият амалга оширилгани ва бошқа тиббиёт ҳуқуқи нормаларининг бузилиши учун жиноий жавобгарлик кўзда тутилган. Европа давлатларидан фарқли тарзда Американинг ҳуқуқий тизими англо-саксон тизимига хос равишда мослашувчан ва ўзгарувчан характерга эгалигидан келиб чиққан равишда ягона стандартларга эга эмаслиги аниқланган. Бунда ҳар бир штатнинг қонунлари ўзига хос хусусиятлари ва тафовутларига эгалигига қарамасдан, АҚШ қонунчилигида ушбу фаолиятни тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий актлар ҳам мавжуд.

МДХ қонунчилигини ўрганиш натижасида кўпчилик МДХ давлатларининг конституцияларида инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари асосий қадрият сифатида эълон қилинганлиги аниқланган. Соғлиқни сақлаш ҳуқуқи ва унинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши қонунан Ҳамдўстликнинг ҳамма давлатларида белгиланган. Кўпчилик МДХ давлатлари ўз конституцияларида у ёки бу шаклда бепул тиббий ёрдам олишни ҳам белгилаб қўйишган. Барча МДХ давлатлари томонидан соғлиқни сақлаш ва пациент ҳуқуқлари масалаларига бағишланган соҳавий қонунларни қабул қилиш принципиал муҳим ҳисобланади. Биотиббий фаолиятни бошқариш учун ўта заиф беморлар гуруҳи ва синалувчиларни ҳимоялашга бағишланган махсус қонунчиликнинг мавжудлиги аҳамиятлидир. Деярли барча мамлакатларда аҳолига психиатрик ёрдам кўрсатиш, ВИЧ-инфекцияларга қарши курашиш ҳамда бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича алоҳида қонунлар қабул қилинган. Бу фактлар биотиббий аралашувларнинг алоҳида вазиятларида тиббиёт сири ва хабардор битим институтларининг спецификасини акс эттиради, шунингдек қарам беморлар гуруҳи (ёки синалувчилар) ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг кўшимча кафолатини ҳам кўзда туттади. Кўпчилик МДХ давлатларида қонун ва қонуности актлари билан репродукциянинг ёрдамчи методлари ва аҳолига генетик ёрдам борасидаги аксарият масалалар тартибга солинган. Биотиббий синовларнинг барча кўринишларидан МДХ давлатларида дори препаратларини клиник тадқиқ қилиш кетма-кет ҳуқуқий тартибга солинганлиги факти муҳим жиҳатлиги эътироф этилган. Барча мамлакатлар дори препаратлари муомаласи доирасидаги ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, тайёрлаш, клиникдан олдин ва клиник тадқиқотлар билан боғлиқ юзага келадиган махсус, тартибга солувчи ижтимоий муносабатларга эгаллиги аниқланди. Инсонда ноқонуний биотиббий тадқиқотларни ўтказиш учун жиноий жавобгарлик Ҳамдўстлик давлатларининг жиноят қонунчилигида мавжудлиги белгиланди.



Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини ўрганиб қайд этиш мумкинки, миллий қонунчилигимиз Конституциядан бошлаб то бутун норматив базани ўз ичига олган ҳолда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси принципларига асосланган ва охириг икки йил ичида кўплаб жадал ислохотлар амалга оширилмоқда. Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисидаги қонунчилик соғлиқга бўлган ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасидаги фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қатор қонунлардан иборат: «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги (1996 й.), «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги (1999 й.), «Инсон иммунодефицит вируси чақирадиган касалликларнинг (ВИЧ-инфекция) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида»ги (2013 й.), «Аҳолини сил касаллигидан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги (2001 й.), «Қон ва унинг донорлиги тўғрисида»ги (2002 й.), «Йод танқислиги касалликларининг олдини олиш тўғрисида»ги (2007 й.), «Аҳолининг санитария-эпидемиология ҳолати тўғрисида»ги (2015 й.), «Дори воситалари ва фармацевтик фаолият тўғрисида»ги янги таҳрирда «Дори воситалари ва фармацевтик фаолият тўғрисида»ги (2016 й.) Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунлар.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида соғлиқни сақлаш масалаларига доир (24-м., 26-м., 40-м., 43-м.) қатор моддалар кўзда тутилган. Ўзбекистон Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига (1991 й.), Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар ҳақидаги халқаро пактга (1995 й.), Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар ҳақидаги халқаро пактнинг Факультатив баённомасига (1995 й.), Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар ҳақидаги халқаро пактнинг Иккинчи Факультатив баённомасига (2008 й.), Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар ҳақидаги халқаро пактга (1995 й.) қўшилган. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва 1997 йилдаги инсон геноми ҳақида, 2000 йилдаги Умумжаҳон тиббиёт ассоциацияси томонидан ишлаб чиқилган Хельсинки декларациясининг принципларига амал қилади. Инсон соғлиғи ҳуқуқи соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилиги халқаро-ҳуқуқий стандартларга мувофиқ ривожланади ва такомиллашади.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида қўйилган вазифалардан келиб чиқиб, «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги махсус қонун муайян жиҳатларда қўшимча ва ўзгартиришларни талаб қилади: пациентлар ҳуқуқи, тиббиёт ходимларининг масъулияти, пациентларнинг мажбуриятлари, репродуктив ҳуқуқлар ва б. Қонунда «пациент» тушунчасига изоҳ бериш зарур. Қонунчиликда ҳали ҳам инсон соғлиғига бўлган ҳуқуқини тўлақонли таъминлаш мумкин бўлмаган қатор таянч аспектлар кўзда тутилмаган. Улардан баъзилари IV бобда кенг таҳлил қилинган. Мазкур қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий актлар билан кейинги бобда кўриб чиқиладиган соғлиққа бўлган ҳуқуқининг аксарият масалалари тартибга солинмаган.

Тиббиёт ҳуқуқи нормаларини амалга ошириш, албатта, давлатдан уларнинг юрисдикциясидаги бўлган ҳар бир инсонга зарур бўладиган бу эҳтиёжларни мустақил қондира олмаса, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро битимларда тан олинган ўз эҳтиёжларини қондириш имкониятини тақдим

этишнинг узлуксиз чоралар комплексини амалга ошириш ва биринчи навбатда қонунчиликни такомиллаштириш, тиббиёт ҳуқуқини фан сифатида ривожлантириш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун, биринчи навбатда, тиббиёт ҳуқуқи нормалари кодификациясини амалга ошириш зарур. Шу сабабдан Тиббиёт ҳуқуқи Кодескини ишлаб чиқиш таклиф қилинди.

Диссертациянинг «**Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигида тиббиёт ҳуқуқининг халқаро-ҳуқуқий нормаларининг имплементацияси**» деб номланган тўртинчи бобида Ўзбекистон Республикасида халқаро норматив база ва энг янги репродуктив технология, суррогат оналик ва абортни қўллашдаги хорижий тажриба асосида тиббиёт ҳуқуқини ривожлантириш масалалари кенг ўрганилган. Трансплантологиянинг халқаро-ҳуқуқий аспекти таҳлили ўтказилган. Эвтаназия ва яшаш ҳуқуқининг ҳуқуқий ва этик масалалари ўрганилган. Тиббий суғурта соҳасидаги қонунчиликнинг позитив хорижий тажрибаси ҳамда Ўзбекистон Республикасида тиббий суғуртанинг халқаро ва миллий ҳуқуқий жиҳатлари кенг ўрганилган. Хорижий ва миллий тажрибаларни ўрганиш асосида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси» ҳақидаги ПФ–№4947-сон Фармонида белгиланган устувор вазифаларни амалиётга жорий этиш, инсон аъзолари ва тўқималари трансплантациясини қонунийлаштириш ва беғаразлигини таъминлаш мақсадида «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги қонунга таклифлар ишлаб чиқилган. Мазкур соҳадаги халқаро-ҳуқуқий нормалар имплементацияси бўйича таклифлар ишлаб чиқилган. Трансплантация муолажасига аҳоли орасида жуда талаб катталигини, ушбу муолажа кетидан аҳоли чет эл клиникаларига қиммат ва ҳаётий муҳим операцияларни амалга ошириш учун мурожаат қилишини инобатга олган равишда, инсон аъзолари ва тўқималари трансплантацияси ва унинг бошқа кўринишларидан тижорат мақсадида фойдаланишнинг олдини оладиган нормалар ишлаб чиқилиши зарурати пайдо бўлди.

Шундай қилиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси» ҳақидаги ПФ–№4947-сон Фармони бажариш, шунингдек пациентларнинг соғлиқга бўлган ҳуқуқини ҳимоя қилиш, давлат бюджети учун иқтисодий фойда кўриш, Бутунжаҳон тиббиёт ассоциацияси (БТА) ва БССТнинг расмий ҳужжатлари билан тартибга солинадиган орган ва тўқималарнинг трансплантацияси тартибини инобатга олган ҳолда амалга ошириш мақсадида «Инсон орган ва тўқималари трансплантацияси ҳақида»ги тижоратни истисно қилувчи «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги қонунга қўшимча моддалар лойиҳаси ишлаб чиқилган (мазкур дисс. 1 ва 2-иловаларидаги қонун лойиҳаси).

2017 йил 1 апрелдаги ПК–2863-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қароридаги вазифалардан келиб чиқиб, тадқиқот ишида репродуктив соғлиқни ҳимоя қилишни тартибга солишнинг халқаро нормалари, сунъий уруғлантиришнинг

энг янги методларини қўллаган ҳолда репродуктив ҳуқуқни таъминлашнинг хорижий тажрибаси ўрганилган. Аҳолининг репродуктив саломатлигини сақлаш ва яхшилаш мақсадида аҳолининг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисидаги Концепция лойиҳасига қўшимчалар ишлаб чиқилган ва кейинги репродуктив ҳуқуқларга оид қонунчиликни ишлаб чиқиш учун концептуал манба сифатида асосланди. Шунинг асосида репродуктив ҳуқуқларга оид, янги репродуктив технологияларни қўллашни (сунъий уруғлантириш, «пробирка»да уруғлантириш, суррогат оналик) қонунийлаштириш мақсадида «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги қонунга таклифлар ишлаб чиқилган. Инсоннинг репродуктив саломатлиқка бўлган ҳуқуқни ҳимоя қилиш мақсадида аҳолининг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш тўғрисидаги миллий концепция лойиҳасини ишлаб чиқиш, унинг асосида «Репродуктив ҳуқуқлар тўғрисида»ги махсус қонунни (шунингдек, сунъий уруғлантиришнинг янги методларини қўллаш, аборт муддатини қисқартириш, суррогат оналик масалаларини ўз ичига оладиган) мазкур соҳадаги халқаро норма ва стандартларга мувофиқ ушбу масаланинг ҳамма хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиш ва қабул қилиш мақсадга мувофиқлиги аниқланди ва қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган (мазкур дисс. 1 ва 2-иловаларида).

«Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги қонунга «Эвтаназияни ман қилиш» алоҳида моддасини киритиш зарурлиги аниқланди. Демакки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига ҳам эвтаназияни тақиқловчи янги модда киритилиши мақсадга мувофиқ бўлади. 1978 йилдаги Эвтаназия ҳақидаги декларацияга қўшилиш тавсия қилинади, унда «Эвтаназия пациентни атайин ҳаётдан маҳрум қилиш, ҳатто пациентнинг ўзи ёки бундай мурожаат асосида унинг яқинлари томонидан илтимос бўйича ҳам этика нормаларига тўғри келмаслиги билан изоҳланади. Бу шифокорнинг бемор хоҳишига ҳурмати қасалликнинг охириги босқичида табиий ўлиш жараёнига тўсқинлик қилмаслик заруратини истисно қилмас»лиги қайд этилган.

«Мажбурий тиббий суғурта тўғрисида» қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарур. Лекин унеча Ўзбекистон Республикасида тиббий суғуртани босқичма-босқич ривожлантириш Концепциясини ишлаб чиқиш кераклиги аниқланди.

Демак, тиббиёт ҳуқуқи соҳасида миллий қонунчилигимизни такомиллаштириш мақсадида қатор халқаро шартномаларга қўшилиш ва миллий қонунчилигимизга соғлиқ ҳуқуқининг муайян масалалари бўйича халқаро ҳуқуқ нормаларини хорижий тажрибага таянган, мамлакатимиз аҳолисининг менталитети ва маданиятини инобатга олган ҳолда трансформация йўли билан имплементация қилиш мақсадга мувофиқдир. Тиббиёт ҳуқуқи нормаларини амалга ошириш, албатта, давлатдан уларнинг юрисдикциясида бўлган ҳар бир инсонга зарур бўладиган, агар инсон бу эҳтиёжларни мустақил қондира олмаса, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро битимларда тан олинган ўз эҳтиёжларини қондириш имкониятини тақдим этишнинг узлуксиз чоралар комплексини талаб қилади. Бунинг учун, биринчи

навбатда, тиббиёт ҳуқуқи ва халқаро тиббиёт ҳуқуқи нормалари кодификациясини амалга ошириш зарур.

## ХУЛОСА

1. Тиббиёт ҳуқуқи уни ташкил қилувчи институтларнинг бирлиги билан ажралиб турувчи, ҳуқуқнинг турли тармоқлари нормаларини ягона тиббиёт ҳуқуқи тизимига бирлаштирувчи комплексли ҳуқуқий тармоқлилиги аниқланди. Шу муносабат билан қуйидаги муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди: «тиббиёт ҳуқуқи – соғлиқни сақлаш ҳамда тиббий фаолиятни амалга ошириш натижасида юзага келадиган барча ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ва унинг бош мақсади одамлар соғлиғини максимал даражада яхшилаш бўлиб, соғлиққа бўлган ҳуқуқ ва бошқа институтилардан иборат бўлган ҳуқуқ тизимини комплексли тармоғидир».

